



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ КОНТРТЕРРОР БОШҚАРМАСИ РАЎБАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари — Контртеррор бошқармаси раҳбари Владимир Воронковни қабул қилди. У БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегияси бўйича Тошкент халқаро конференцияси доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди.



Учрашув аввалида Владимир Воронков Ўзбекистон Президентига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Эртага пойтахтимизда иш бошлайдиган икки кунлик нуфузли халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси ва унинг ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Мамлакатимизнинг БМТ институт ва тузилмалари, шу жумладан, Контртеррор бошқармаси билан амалий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари сермахсул ҳамкорликнинг бугунги даражасини мамнуният билан қайд этди. Хусусан, Ўзбекистон бошқарманинг террорчиликка қарши курашиш

борасидаги 15 та лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Марказий Осиё минтақаси давлатларининг янгиланган Қўшма ҳаракат режасини амалга ошириш ва лойиҳалар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси

доирасида кўп томонлама тadbирлар ўтказиш, ёшларни экстремизм ва терроризмнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, "қайноқ нуқталар"дан қайтарилган шахсларни реабилитация ва реинтеграция қилиш соҳасида тажриба алмашиш ҳамда кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳамкорлик қилиш имкониятлари муҳокама қилинди. Минтақа кун тартибидagi масалалар, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг ривож-

ланиши, афғон халқига кўмаклашиш ва ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш юзасидан фикр алмашилди. Учрашув якунида Ўзбекистон ва БМТ Контртеррор бошқармаси ўртасидаги амалий шерикликни кенгайтириш бўйича қўшма "йўл харитаси"ни тайёрлаш тўғрисида келишувга эришилди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ПОКИСТОНГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг таклифига биноан 3-4 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Бўлажак олий даражадаги музокара кун тартибидан Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари ўрин олган. Энг аввало, савдо, инвестициялар, sanoat кооперацияси, транспорт, логистика, инфратузилма ва туризм соҳаларида амалий ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтириш масала-

ларига алоҳида эътибор қаратилади. Халқаро ва минтақа кун тартиби юзасидан фикр алмашилади. Саммит якунида қўшма декларация ва қатор икки томонлама ҳужжатларни қабул қилиш режалаштирилган. Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Покистон Президенти Ориф Алвий, ушбу мамлакат идоралари ва етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашиши ҳам кўзда тутилмоқда.

ЎЗА

## Ўзбекистон — Покистон: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислom Республикасига давлат ташрифи бошланади. Ушбу муҳим сиёсий воқеа олдида мамлакатимизнинг Покистон билан ўзаро муносабатларига оид муҳим маълумот ва фикр-мулоҳазаларни ўқувчилар билан ўртоқлашиш, шубҳасиз, мақсадга мувофиқ бўлади.

Салкам 227 миллион нуфусга эга бўлган Покистон жаҳонда аҳоли сони бўйича бешинчи, мусулмон аҳолининг сони жиҳатидан эса иккинчи ўринда туради. Шарқда Ҳиндистон, ғарбда Афғонистон ва Эрон, шимолда Хитой билан чегарадош, жануби эса Араб

денгизи билан ўралган мамлакат XXI асрда дунёнинг энг йирик иқтисодиётларидан бирига эгалик қилиши учун улкан салоҳияти мавжуд бўлган ўн бир давлат қаторидан жой олган.

▶ Давоми 2-бетда

### ЭҲТИРОМ

## БУ ОЛАМ БАХТИ ҲАМ АЁЛ БАХТИДАН!



ЭЛГА ТИНЧЛИКНИ, ЯҚИНЛАРИГА СИҲАТЛИКНИ КўПРОҚ МУНИС АЁЛЛАРИМИЗ ТИЛАШСА КЕРАК! ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ТАБИАТДА НЕКИ ГўЗАЛ БўЛСА, УНИНГ ҚИЁСИ АЁЛДАН ИЗЛАНАДИ. НАФОСАТ ҲАМИША АЁЛГА МУҚОЯСА ҚИЛИНАДИ. ШУ ўРИНДА БАҲОРНИНГ ИЛК КУНИ — 1 МАРТДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАЙСЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАБ ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ўТКАЗИЛГАНИДА ҲАМ ўЗИГА ХОС ҲАЁТ ҲИҚМАТИ БОР.

▶ 6-бетга қаранг

### ТЕМИР ЙўЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Бугунги кунда Ўзбекистон темир йўлларида мавжуд 7500 километрга яқин пўлат изларнинг 3000 километрдан ортиги тўлиқ электрлаштирилган. Айни пайтда темирйўлчилар томонидан Қизилқум саҳросининг қоқ ўртасидан ўтган Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Улар тўлиқ бажарилгач, тармоқнинг электрлаштириш қамрови қарийб 50 фоизга етади. Айни кезде тепловозларни электровозларга ўтказишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки дизель ёқилғисида ҳаракатланадиган поездларга хизмат кўрсатиш электровозларга қараганда анча қимматга тушади. Бу уларнинг хизмат қийматига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

▶ Давоми 3-бетда

## ҚАДИМ ШАҲАРЛАР ЯНАДА ЯҚИН БўЛАДИ

БУХОРО — УРГАНЧ — ХИВА йўналишида юқори тезликда ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ПОЕЗДЛАР ҚАТНОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТЯПТИ



▶ 6-бетга қаранг

# Ўзбекистон — Покистон: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

Покистон ўзининг улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар салоҳияти, инсон ресурслари, қўлай геосиёсий жойлашуви ҳамда юритаётган вазмин ташқи сиёсати тўғрисида ҳозирги пайтда минтақавий сиёсий ҳаётда, муҳим халқаро муаммоларнинг ҳал этилишида етакчи мамлакатлардан бири бўлиб турибди.

Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига тўхталар эканми, энг аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар барча йўналишларда тобора мустақамлашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Покистон билан кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш Ўзбекистон манфаатларига мос келади. Айни пайтда бу ҳамкорлик ўз ривожланишининг янги тарихий босқичида турибди.

Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги самарали мулоқот ўрнатилиши ва мустақамлашнинг замирида тарихий зарурат турганини кўриш қийин эмас. Мозийга назар ташлар эканми, ўзбек халқининг буюк фарзанди Заҳриддин Муҳаммад Бобур XVI асрда бугунги Покистон, Хиндистон, Бангладеш ва Афғонистоннинг жануби-шарқий ҳудудида қудратли салтанатга асос солганини ва бу халқларимиз ўртасидаги маданий ва маънавий муштаракликнинг ривож топишига кўмаклашгани аён бўлади. Уша даврнинг маданий-тарихий ва илмий мероси келажак авлодлар учун абадул-абад бебаҳо бойлик бўлиб қолиши тайин.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Покистон пойтахтларида икки давлат элчихоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар 1992 йил май ойида ўрнатилган ўзаро муносабатларнинг изчил ривожланиши учун кўмаклашига даъват этилган. Ҳар икки мамлакат парламентларида дўстлик гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган.

Жанубий Осиё минтақасининг ушбу муҳим мамлақати билан Ўзбекистоннинг сиёсий мулоқоти турли даражаларда мунтазамлик моҳиятига эга бўлгани баробарида вақт ўтган сайин янада ўсувчанлик мазмунини касб этиб бормоқда.

2017-2018 йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро тadbирлар доирасида (ШХТ ва Ислom ҳамкорлик ташкилоти) Покистон раҳбарлари билан учрашувлари, 2019 йил апрель ойида Пекинда ўтказилган “Бир макон — бир йўл” халқаро форумида ва июнь ойида Бишкекда бўлиб ўтган ШХТ давлат раҳбарлари йиғилиши доирасида Покистон Бош вазири Имрон Хон билан учрашгани юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Шу ўринда 2021 йил 14 апрель куни Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири Имрон Хон ўртасида бўлиб ўтган виртуал саммитга алоҳида тўхталиш жоиз. Ушбу саммит кун тартибидан кўп қиррали Ўзбекистон — Покистон шериклигининг долзарб масалалари, шу жумладан, конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва транзит соҳаларидаги



янги имкониятлар эшигини очади”, — дея таъкидлаган эди.

2021 йил 15-16 июль кунлари Имрон Хоннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида “Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислom Республикаси ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация” имзолангани икки томонлама муносабатлардаги ўта муҳим воқеалардан бири ҳисобланади.

2021 йил 16-17 сентябрь кунлари Душанбеда бўлиб ўтган ШХТ давлат раҳбарлари саммити доирасида Ўзбекистон Президенти Покистон Бош вазири билан учрашди. Мамлакатларимиз раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари ҳам мунтазамлик касб этган.

2021 йил 28 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган ИХТ саммити тadbирлари доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Президенти Ориф Алви учрашди.

2022 йил 5 февраль куни Пекин шаҳрида Қишки олимпия йўналири очилиш маросими доирасида ҳам Ўзбекистон Президентининг Покистон Бош вазири билан навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Шунингдек, икки давлат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ташқи ишлар вазирлари ва уларнинг ўринбосарлари даражасида сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Жорий йил 28 февраль куни сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги 7-йиғилиши бўлиб ўтди.

Яна бир муҳим жиҳат: ҳар икки мамлакат бир-бирини халқаро майдонда қўллаб-қувватламоқда, БМТ, ШХТ, Ислom ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг изчил ривожланаётгани мамлакатларимиз манфаатларига мос келибгина қолмасдан, бутун минтақада хавфсизлик мустақамлашишига, савдо-иқтисодий, коммуниция ва гуманитар алоқалар ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳар икки мамлакат ўзларига қўшни бўлган Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрна-

Ўз-ўзидан аёни, мамлакатларимиз ўртасида тўғридан-тўғри транспорт йўлақларининг қурилиши ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашади. Шу ўринда қуйидаги рақамларни қайд этиш жоиз: 2021 йилда ўзаро савдо ҳажми 181,4 миллион долларни ташкил этди. Экспорт — 129,9 млн. доллар (3,1 марта ошган), импорт — 51,5 млн. доллар (3,6 марта ошган). Охириги беш йилда ушбу кўрсаткичлар 5 баробарга ошгани диққатга сазовордир.

Яна бир муҳим жиҳат: ўзаро иқтисодий ҳамкорликда янги “ўсиш нуқта”лари юзага келмоқда. Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида тузилган 174 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Биргина 2021 йилнинг ўзида 43 та ана шундай корхона ташкил этилди. Бу кўрсаткич беш йилда 3,2 баробарга ошган. Улар савдо, енгил саноат, қоғоз ишлаб чиқариш, чарм-галантерея буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларида муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда.

2021 йил 1-3 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши

“

**ЯНА БИР МУҲИМ ДАЛИЛ: 2021 ЙИЛ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ТАШИЛГАН ЮКЛАР 55 ФОИЗГА КЎПАЙДИ, ЭКСПОРТ 3,7, ИМПОРТ ЭСА 2 МАРТАГА ОШДИ. ПОКИСТОНДАН ЎЗБЕКИСТОН ОРҚАЛИ ТРАНЗИТНИНГ ҲАЖМИ ЭСА 34 ФОИЗГА ОРТДИ. ЎТГАН ЙИЛИ АВТОТАШУВЛАР 1,8 МАРТА, ЭКСПОРТ 14 ФОИЗГА, ИМПОРТ — 4,2 МАРТАГА ОШГАН.**

котиби Виктор Маҳмудовнинг Покистонга ташрифи мобайнида “Торхам” халқаро чегара پوستида ўзбек экспорт маҳсулотларидан таркиб топган савдо қаровининг Покистонга кириши маросими бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамда қўшма Ишбилармонлик кенгаши икки томонлама ҳамкорлик масалаларини ҳал этишда самарали механизм сифатида хизмат қилмоқда. Жорий йил 1-2 март кунлари Ислomобод шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Кейинги йилларда олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотлар том маънода икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланишига, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилляпти. Худудлар ўртасида ҳам ўзаро шериклик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Хусусан, 2021 йилнинг февраль ойида Панжоб провинцияси губернатори Муҳаммад Сарвар раҳбарлигидаги ишбилармонлик миссиясининг Наманган вилоятига ташрифи муваффақиятли ўтди. Томонлар Наманган вилояти ва Панжоб провинцияси ўртасида биродарлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги битимни имзолади. Шунингдек, биринчи “Наманган — Панжоб” минтақавий бизнес форуми, “B2G” ва “B2B” шаклларидаги музокаралар бўлиб ўтди.

Ўтган ойнанинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазистри Сардор Умурзоқов Ислomободга ташрифи чоғида Покистон Бош вазири Имрон Хон билан учрашди. Мулоқот давомида томонлар Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигининг мазмунли кун тартибининг муҳокама қилиб, инвестициявий, савдо-иқтисодий, транспорт ва логистика ҳамкорлигини янада кучайтириш чора-тadbирлари, шу жумладан, Термиз ва Пешовар шаҳарлари, шунингдек, Сурхондарё вилояти ва Хайбер-Пахтунхва провинцияси ўртасида икки томонлама алоқаларни ўрнатиш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Мамлакатимиз Ҳукумати делегацияси аъзолари Ўзбекистон ва Покистоннинг асосий вазирлик ва идоралари раҳбарларининг кенгайтирилган йиғилишида иштирок этиб, Покистон Бош вазирининг савдо ва инвестициялар бўйича маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довуд, Покистон Штаб бошлиқларининг бирлашган кўмитаси раиси генерал Надим Раза

билан ҳам учрашди. Ушбу ташриф доирасида Ислomободда Покистоннинг етакчи компаниялари вакиллари билан дavra суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Яна бир муҳим далил: 2021 йил мамлакатларимиз ўртасидаги темир йўл транспортда ташилган юклар 55 фоизга кўпайди, экспорт 3,7, импорт эса 2 мартага ошди. Покистондан Ўзбекистон орқали транзитнинг ҳажми эса 34 фоизга ортди. Ўтган йили автоташувлар 1,8 марта, экспорт 14 фоизга, импорт — 4,2 мартага ошган.

Шунингдек, ҳаво ташувларида ҳам ижобий тамойиллар кузатилмоқда. 2021 йил 16 июндан Покистоннинг “PIA” авиакомпанияси чартер парвозларни амалга оширишни бошлади. 2 июндан “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан “Тошкент — Лаҳор — Тошкент” йўналишида ҳафтасига бир мартаба парвозлар қайта тикланди.

Юқорида баён этилгани сингари мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар йўналишдаги муносабатлар ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Покистон халқларининг тарихан қарор топган алоқалари ҳамда муштарак маънавий қадриятларимиз бунга мустақам замин бўлмоқда.

Мамлакатимизда 1991 йилдан буён “Ўзбекистон — Покистон” дўстлик жамияти муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Жамият мунтазам равишда маданий ва илмий тadbирлар, олимлар ва маданият арбоблари делегацияларининг алмашувларини амалга оширмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик университети (ТДШУ) ўқитувчиси Раҳмонберди Муҳаммаджонов Алишер Навоий ғазалларини урду тилига таржима қилиб, уларнинг Покистонда нашр этилишидаги хизматлари учун Покистон Президентининг “Ҳусе Кар Кардаги” (“Яхши натижалар”) мукофоти билан тақдирланди. Навоийнинг “Муҳокама ул-луғатайн” асарини покистонлик олим Билал Ўғуз урду тилига ўғирди.

2020 йилда ТДШУ ўқитувчиси Тошмирза Холмирзаев томонидан тузилган биринчи

“Урдуча — ўзбекча луғат” Покистонда чоп этилди. Урду тилини тарғиб қилишда эришган катта муваффақиятлари учун у Покистоннинг “Ситораи имтияз” (“Қамолот юлдузи”) ордени билан мукофотланди. Ушбу университет ўқитувчиси Ансориддин Иброҳимов эса “Ўзбек — урду тилларидаги муштарак сўзлар луғати”ни тайёрлаб нашр эттирди.

2009 йил март ойида Тошкент давлат шарқшунослик университетида “Урду тили ва адабиёти хонаси” ташкил этилди. 2021 йил февралда Панжоб университетиде Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллиги муносабати билан Бобур мероси маркази, Пешовар университетиде Навоийнинг 580 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий маркази ташкил этилди.

2021 йил декабрь ойида Бобур ҳаётига бағишланган бадий фильмни суратга олиш бўйича икки томонлама ишчи гуруҳларнинг онлайн-мулоқоти бўлиб ўтди. Кўп қисмли фильм бўйича Покистон томонининг таклифлари қўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон тақдирининг ташкил этиш учун навбатдаги онлайн-tadbирини ўтказиш юзасидан келишув мавжуд.

Бу йўналишдаги ҳамкорлик оид яна бошқа кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ўзбекистоннинг Покистон билан сайёҳлик соҳасидаги алоқалари ҳам тобора равнақ топаётди. 2021 йилда 10 минг 740 нафардан ортиқ покистонлик Ўзбекистонга келди. 2019 йил март ойида Ислomободда Ўзбекистон туризми ахборот маркази очилган эди. Покистонда 2020 йилнинг сентябридан буён Нақшбандия тариқатининг намоёнчаси Ҳасиб ур-Раҳмон Ўзбекистон зиёрат туризмнинг Покистондаги элчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Яқинда таниқли тadbиркор Роҳайл Ислom Ўзбекистоннинг Покистондаги туризм элчиси этиб тайинланди.

Юқорида баён этилган далил ва рақамлар таҳлиладан келиб чиққан ҳолда, комил ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз раҳбарининг Покистонга давлат ташрифи сўнгги йиллар давомидаги олий ва юқори даражадаги мунтазам муносабатларнинг мантиқий давоми бўлади. Бу ташриф икки томонлама алоқалар ривожига янги туртки бағишлаб, ўзаро муносабатлар солномасида янги саҳифа очади.

**Шухрат УМИРОВО,  
“Дунё” АА шарҳловчиси**

## ПОКИСТОНДА “ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ” КИТОБНИНГ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Тadbир Покистон Ахборот вазирлиги ва Панжоб университети томонидан Ислomободдаги глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази (ГСТМ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.



Тақдимотда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидиқов, Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, Покистон ахборот вазири ўринбосари С.Мубашар, Панжоб университети ректори, профессор Салим Махзар, етакчи таҳлил марказлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тақдимотда Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақидаги атрофлича маълумотлар тadbир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Ўзбек халқининг, айниқса, Бобурийлар даврининг тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган сазй-ҳаракатлар олқишланди.

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати нафақат минтақавий ҳамкорлик, балки Марказий ва Жанубий Осиё, энг аввало, Покистон билан ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш учун қўлай шарт-шароит яратганига алоҳида эътибор қаратилди.

“РТV World” марказий телеканалининг бош муҳаррири Раза Ханнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президентининг стратегик қарашлари минтақаларо ҳамкорлик учун янги имкониятлар очиб беради. Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлаши Марказий ва Жанубий Осиё халқларининг узоқ кутилган орзуси — барқарор ўзаро боғлиқлик ва иқтисодий фаровонлигини таъминлаши, шу жумладан, бу орзуну қўшни Афғонистонда ҳам рўёбга чиқариши имконият яратиши билан аҳамиятли.

Ахборот вазирининг ўринбосари С.Мубашарнинг таъкидлашича, Покистонда икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор Покистон Ҳукуматининг кўмағида янги Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган қосқак илмий даражадаги китоб нашр этилган. Бу маънавий қадриятлар ва миллий аънаюларга содиқ бўлган ижтимоий йўналтирилган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда Ўзбекистон тажрибасини ўрнатишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далolat беради.

У Покистон жамоатчилигини Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан батафсил таништириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг ижтимоий-иқтисодий ислохотлари ҳақидаги нашрларни урду тилида чоп этиш амалиётини изчил давом эттириши таклиф қилди.

“Бу икки қардош халқ ва мамлакат раҳбарларининг аҳоли фаровонлигини юксалтиришга, мамлакатнинг халқаро нуфузини мустақамлашга ва хорийлик шериклар билан ишончли алоқаларни ривожлантиришга бўлган интилишларини янада чуқур англаш имконини беради”, — деди Покистон ахборот вазирлигининг вакили.

Панжоб университети ректори, профессор Салим Махзар Ўзбекистон ва Покистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва ташқи сиёсий устуворликлари ўхшаш эканлигини қайд этди.

“Шу босис, Кўплатон Ҳукумати, эксперт ва академик доиралари янги Ўзбекистоннинг минтақавий ташаббуслари ва иқтисодий муваффақиятларини ўрганишга, жумладан, икки томонлама ҳамкорликнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлашга катта қизиқиш билдирмоқда.

Ўзбекистон ва Покистон минтақавий ўзаро боғлиқликнинг асосий ҳаракатлантирувчи қучларига айланади. Бу келажакда “Катта Осиёда” янги иқтисодий маконни шакллантиришга имкон беради”, дея қўшимча қилди Салим Махзар.

Сиёсат ва халқаро муносабатлар мактаби профессори З.Жаспал Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазирининг сиёсий қарашлари ва ёндашувларидаги ўхшашлик мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг ишончли асосига айланганини алоҳида таъкидлади.

“Олдинда турган Ўзбекистон — Покистон саммити икки томонлама ҳамкорлик, минтақавий хавфсизликни мустақамлаш ва Афғонистондаги вазиятни ҳал қилишнинг янги истиқболларини очиб беради”, — деди у.

Ислomобод

“Дунё” АА

МУНОСАБАТ

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — ЯНГИЛАНАЁТГАН ЗАМИН, УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР МАСКАНИ



**Жамолiddин ТУРДИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Иқтисодий  
тадқиқотлар ва ислохотлар  
маркази етакчи илмий ходими

бартараф этиш эмас, балки бу ерда яшовчи аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, туман ва қишлоқларни обод қилиш ҳам назарда тутилмоқда. Бу мақсадда Қорақалпоғистонда инновациялар ва янги технологияларни жорий этиш бўйича умумий қиймати 102 миллион доллардан зиёд 79 та лойиҳа тақлифи ишлаб чиқилди.

Худудда саноатни ривожлантириш бўйича илк давлат дастури 2017 йилдаёқ қабул қилинган бўлиб, унинг доирасида саноатни ривожлантириш соҳасида қиймати 160 миллиард сўмлик ақин 242 лойиҳа амалга оширилди, қарийб 4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

**Тараққиёт остонасида**

Қорақалпоғистонни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан юксалтириш масалалари Президентимизнинг ҳудуд сайловчилари билан учрашувидаёқ кўрсатиб ўтилган эди. Хусусан, 2022-2026 йилларда Қорақалпоғистонда янги ҳудудий маҳсулот (ҚР ЯҲМ) ҳажмининг 8-10 фоиздан кам бўлмаган ўсиш суръатларини таъминлаш белгиланган. Бунинг учун ақин беш йилда ўлкада умумий қиймати 31,5 триллион сўмлик 1224 та инвестиция лойиҳаси бажарилиб, жами 7256 хонадонли 308 та кўп қаватли уй қурилади, мактабгача таълим муассасалари сони 2000 тадан ошади. Натижада 2026 йилга бориб, болаларни қамраб олиш даражаси 68,8 фоиздан 94,4 фоизга етказилади.

2022-2026 йилларда 30 та мактаб, 67 та спорт зал қуриш, 92 та мактабни реконструкция қилиш, 111 та мактабни мукамал таъмирлаш режалаштирилган.

Шу кунларда Амударё устида барпо этилаётган узунлиги 412,7 метри темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги ҳам худуднинг иқтисодий юксалишига хизмат қилади. 2026 йилга қадар Қорақалпоғистонда 9 та соғлиқни сақлаш объекти қуриш, 87 тасини реконструкция қилиш ва жорий таъмирлаш назарда тутилган.

Сўнгги беш йилда Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан қатор ишлар қилинди. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотларига кўра, ислохотлар натижасида 2016-2020 йилларда худуд янги худудий маҳсулоти (ЯҲМ) 21,9 триллион сўмгача, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,3 триллион сўмдан 14 триллион сўмгача ўсди. Ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 16 фоиз, яъни 2016 йилдаги 4,1 триллион сўмдан 2020 йилда 10,4 триллион сўмгача ошди.

Тадбиркорлик ривожини унатирилган шароитлар худудда фаолият кўрсатаётган корхоналар сонининг 2016 йилдаги 17,2 мингдан 2020 йилда 26,4 минггача, яъни 54 фоиз ошишига эришилди.



Худуд аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида 2016-2020 йилларда 1719 километр сув таъминоти тармоқлари тортилди ва таъмирланди. Қисқа вақт давомидида 101 километрни Қўнғирот-Мўйноқ сув қувури ва Қўнғирот сув таъминлаш иншооти қуриб битказилиб, Мўйноқ туманидаги 25 минг аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланди. Сув таъминоти тизимлари таъмирланиши ҳисобига яна 35 та аҳоли пунктида яшовчи 50 мингдан зиёд одам тоза ичимлик сувдан баҳра оладиган бўлди.

Худуднинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда 3,595 миң квадрат метр уй-жой фойдаланишига топширилди, мактабгача таълим муассасаларида 12,3 миң, мактабларда 27,7 миң янги ўқувчи ўрни яратилди. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида 105 миңга яқин иш ўрни ташкил этилди.

Ислохотлар ўзининг илк натижаларини бера бошлади. Хусусан, ўтган 2021 йилда Қорақалпоғистоннинг ЯҲМси 2020 йилдагига нисбатан 7,4 фоиз ўсиб, 26,3 триллион сўмни, аҳоли жон

бошига эса 13,6 миллион сўм бўлди. Бу 2020 йилдагига қараганда 6 фоиз кўп демакдир. Утган йили Қорақалпоғистонда 16621,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, бу 2020 йилдагига нисбатан 7,4 фоиз кўндр.

Худудда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 2,1 фоиз ошиб, 7,9 триллион сўмга етди. Утган йилда Қорақалпоғистоннинг ташқи савдо айланмаси қарийб 657,2 миллион долларни ташкил этди ва олдинги йилдагига нисбатан 21,9 фоиз ошди. Бундан 418,6 миллион долларни экспорт, қолгани эса импорт ҳиссасига тўғри келади.

**Янги марралар забт этилмоқда**

2020 йил 11 ноябрда Президентимизнинг “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори худуднинг истиқболли пайдоворини қўйган дастурий ҳужжатлардан бири бўлди.

Унга мувофиқ, 2023 йил охирига қадар Қорақалпоғистонда 141 миң аҳоли марказлашган ичимлик сув таъминотида уланади, шу тариқа тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 2020 йилдаги 61,5 фоиздан 70,1 фоизга етказилади. Шунингдек, 442 та янги трансформатор ўрнатиш ҳамда 1023,8 километр электр узатиш тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, 444,7 километр халқаро ва республика аҳамиятига молик ҳамда 408,1 километр маҳаллий ва ички автомобиль йўлларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш каби чора-тадбирлар белгиланган.

Бундан ташқари, 7004 хонадонли 235 та замонавий турар жой, ёш оилалар ва кам таъминланган аҳоли учун 2084 хонадонли 36 та арзон уй-жой қурилиши ҳам белгиланган.

2022-2023 йилларда худудий инвестиция лойиҳалари доирасида умумий қиймати 12,3 триллион сўмлик 1359 та лойиҳани ишга тушириш ва 17,5 миңга янги иш ўрни яратиш, шунингдек, 523 миллион доллар миқдордаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириш ва халқаро молия институтларининг 1 миллиард доллар миқдордаги маблағларининг муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Қорақалпоғистондаги 19,7 миң фуқарони иш билан таъминлаш ва 6 миң фуқарони касб-ҳунарга ўргатиш орқали “Темир дафтар”га киритилган 15,5 миңта оила даромадини ошириш, “Ёшлар дафтари”га киритилган 14 миң ёшани, “Аёллар дафтари”га киритилган 8,4 миң хотин-қизини иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

Худудда тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида бу ерда фаолият юритаётган бизнес субъектларга қатор солиқ имтиёзлари берилди. Хусусан, барча туманларнинг “ўши нуқтаси” деб белгиланган иқтисодий фаолият йўналишлари бўйича янгидан ташкил қилинган тадбиркорлик

субъектлари 2024 йил 1 январга қадар ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинмаган солиқ, яқна тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод қилинади. Шунингдек, ривожланиш даражаси паст бўлган Тахтақўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида янгидан ташкил этиладиган саноат йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январга қадар юқоридоги турдаги солиқларни тўлашдан озод қилинади.

Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманларида бўш турган бино-иншоотлар ва йирик бўлмаган давлат активларини тадбиркорлик субъектларига соддалаштирилган тартибда бериш тартиби жорий қилинади. Давлат активларини сотишда давлат активи қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 миң баробаридан юқори бўлган тақдирда тўловларни 5 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби жорий этилади.

Қорақалпоғистон аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича ҳам зарур чоралар қўрилмоқда. Хусусан, жорий йил 7 февралда Қорақалпоғистонда тажриба-синов тариқасида кейтеринг услубида мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларига бепул овқат етказиб бериш бошланди. Дастур доирасида болалар 470-500 килокалорияга эга овқат, табиий шарбат ва мевалар билан таъминланади. Бу мақсадда 2022 йил учун маҳаллий бюджетдан 200 миллиард сўм ажратилган.

Худуддаги мураккаб экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ҳамда Оролбўйи худудини бириктириб ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон туманлари биттадан вилоятга бириктирилган бўлиб, Ўзбекистон вилоятлари худудда янги лойиҳаларни йўлга қўйишга ўз ҳиссасини қўшиши белгиланган.

**Янги мақсадлар йўлида**

2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Қорақалпоғистонни истиқболда ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўйилиб, марралар белгиланган. Бу борадаги ишлар эса аллақачон бошлаб юборилди.

Жорий йил 23 февралда давлатимиз раҳбари худудлар ривожини ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида яна Қорақалпоғистонга ташриф бурди. Президент самолёти илк бор туризмин ривожлантириш мақсадида қайта реконструкция қилинган Мўйноқ аэропортига қўнди. Ташриф доирасида Шавкат Мирзиёев Беруний туманида қуввати 100 МВт бўлган шомол электр станцияси қурилишига тамал тоши қўйди. Йилга 360 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи 108 миллион долларлик ушбу лойиҳа ишга тушгач, қўшимча 110 миң хонадон таъминоти яхшиланади.

Президент Нукусдаги бунёдкорлик ишлари, маҳаллалар ҳаёти ва корхоналар фаолияти билан танишди. Давлатимиз раҳбари Орол денгизининг қуриган жойига бориб, вазиятни кўрди, қилинган ишлар билан танишди, экологлар ва ўрмон ҳўжалиги мутахассислари билан суҳбатлашди. Утган йилларда денгиз суви қуриган қисмида 1 миллион 524 миң гектар тўқайзор барпо этилган. Бунинг учун саксувот, қорабўроқ, қандим, черкез каби ўн ўсимликларининг қарийб 6 миң тонна уруғи тайёрланиб, қийин шароитларда экилган. Бу ишларда 4 миңдан зиёд ишчи қатнашиб, 1 миң 600 тонна техника, самолётлар жалб этилган.

Бу хайрли, долзарб ҳаракат давом этмоқда. Жорий йилда 100 миң гектар майдонда “яшил қоплама” барпо қилиш режалаштирилган. Бугунги кунда шундан 26 миң гектариди иш бошланган, 562 тонна уруғ тайёрланган. Шунингдек, 100 гектар майдонда кўчатхона ташкил қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Оролбўйининг флора ва фаунасини яхшилаш бўйича 5 йиллик миллий дастур ишлаб чиқиш вазифасини ҳам қўйди.

“Охирги йилларда Қорақалпоғистонга алоҳида эътибор бериб, катта куч ва ресурсларни жалб этганимиз ўз натижасини берапти. Одамлар йўлимиз тўғрилигига ишонди. Энди янги марралар қўйганмиз. Қорақалпоғистонга ҳамма раҳбарларни олиб келдик. Бунақаси тарихда бўлмаган. Улар маблағи, жамоаси билан келиб, аниқ лойиҳалар ишлаб чиқарди”, дея таъкидлади Президент.

Демак, Қорақалпоғистон ривожланишида давом этади.

**“ХУДУДА АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР 2,1 ФОИЗ ОШИБ, 7,9 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТДИ. ЎТГАН ЙИЛДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ ҚАРИЙБ 657,2 МИЛЛИОН ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТДИ ВА ОЛДИНГИ ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН 21,9 ФОИЗ ОШДИ. БУНДАН 418,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАРИ ЭКСПОРТ, ҚОЛГАНИ ЭСА ИМПОРТ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ.**

**ТЕМИР ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ**

# ҚАДИМ ШАҲАРЛАР ЯНАДА ЯҚИН БЎЛАДИ

## БУХОРО — УРГАНЧ — ХИВА ЙЎНАЛИШИДА ЮҚОРИ ТЕЗЛИҚДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ПОЕЗДЛАР ҚАТНОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТАЯПТИ



Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг март ойида темир-йўлчилар томонидан Бухоро — Урганч — Хива йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатновини ташкил этиш учун электрлаштиришга киришилган эди. Бугунги кунда темир йўл бўйлаб пойдевор ҳамда темир-бетон устунларни ўрнатиш ишлари давом этапти.

Мазкур йўналишнинг умумий узунлиги 465,5 километр бўлиб, лойиҳага кўра, 8 та электр тортиш нимстан-

цияси, туташтирувчи тармоқнинг 7 та навбатчилик ва 5 та техник хизмат кўрсатиш биноси, 18 та қўриқланадиган темир йўл кесиммаси, 27 та авто йўлутказгич ҳамда локомотив жамоаси учун дам олиш уйини барпо этиш, бир қатор иншоотлар, саноат корхонасини жорий ва тубдан таъмирлаш каби ишлар кўзда тутилган.

Лойиҳанинг дастлабки қиймати 445,65 миллион долларни, шундан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ўз маблағлари 108,54, Ўзбекистон Республикаси давлат улуши (солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар) маблағлари 67,58, халқаро молия институтлари имтиёзли кредит маблағлари 270 миллион долларни ташкил этади. Бунда Осиё тараққиёт банкнинг 162, Осиё инфратузилма инвестициялар

банкнинг 108 миллион доллар миқдордаги сармомоялари жалб этилиши мўлжалланган.

Айни пайтда мазкур лойиҳани электрлаштириш икки томонлама — Бухоро ҳамда Хоразм худудидида олиб борилмоқда. Пировард мақсадга эришиш учун 14 миңдан ортиқ пойдевор, 12 миңдан кўпроқ темир-бетон устун ўрнатиш ва узатувчи тармоқни монтаж қилиш зарур бўлади. Устунларга электр симларини ушлаб турувчи қурилмаларни монтаж қилишда замонавий техникалар қўл келмоқда. Бекав, техник хизмат кўрсатиш иншоотлари ва бошқа биналарини тиклашда тўлиқ маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиляпти.

Қайд этиш жоиз, ушбу йўналишнинг электрлаштирилиши келгусида Тошкент — Самарқанд — Навоий —

Бухоро — Урганч — Хива йўналишида тезоравр ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар қатновини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Табиийки, бунинг натижасида қатнов вақти қисқаради, катта миқдордаги ёнилғи ва бошқа ҳаражатлар тежаллади. Қолаверса, экология ҳам салбий таъсир камаяди.

Мухтасар айтганда, ушбу лойиҳа якунига етгач, Бухоро — Урганч — Хива йўналишида юқори тезликдаги поездлар қатновининг ҳаракатланиши қадим шаҳарларимизга қатнов вақтини қисқартириши баробарида йўловчи ҳамда сайёҳларга замонавий хизматни тақдим этади.

## ШАРҲ

Тома-тома қўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур. Бу азалий ҳикмат сувни тежаш ва эъзозлаш, мўл-қўлчиликка замин, аксинча, уни хор қилиш зорлик келтиришидан сабоқ беради. Ҳолбуки, бир киши уни зар билса, бошқаси увол қилади... Мамлакатимизда сув ресурсларининг аксар қисми қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тасарруф қилинади. Лекин яқин пайтга қадар экинлар асосан, эгтаб суғорилар, коллектор-дренаж тармоқлари эскирган, сувдан ҳисоб-китобсиз фойдаланиб келинган. Оқибатда сув жуда кўп исроф бўларди. Бунинг устига, сўнгги 50 йил давомида глобал иссиқ туфайли Марказий Осиёдаги музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқаргани бу борадаги муаммони янада мураккаблаштирган.

## ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ҳар томчиси тиллога тенг  
сувни исрофгарчиликдан асрайди

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,  
иқтисодий шарҳловчи



Минтақамизда сув йилдан-йилга танқис бўлиб бораётган шaroитда муаммонинг энг мақбул ечими — тежовчи технологияларни татбиқ этиш эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Сўнгги беш йилда юртимизда 643 минг гектар майдонда тежамкор технологиялар жорий қилинди. Шундан томчилатиб суғориш — 309 минг гектар, ёмғирлатиб суғориш — 15 минг гектар, дискрет суғориш (пульсар) — 11 минг гектар ҳамда 99 минг гектар — бошқа суғориш тизимларидан иборат. Бундан ташқари, 209 минг гектар лазерли ускуна ердамида текисланган.

2021 йилнинг ўзида сувни тежайдиган технологиялар 433 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди. Ана шундай тадбирлар ҳисобига 7,5 миллиард кубометр сув тежалишига эришилди.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон суғориладиган майдонларга нисбатан сув тежовчи технологияларни жорий этиш кўлами бўйича дунёда 16 поғонага, Марказий Осиё мамлакатлари орасида эса биринчи ўринга чиқди.

## СУБСИДИЯЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АЖРАТИЛАДИ?

Тежамкор технологияларга муносабат, эҳтиёж ва рағбат тобора ўзгариб бораётган. Шу пайтга қадар сув тежовчи замонавий технологияларга сарфланган харажатларни қоплаш учун ажратилган субсидия миқдори тизим жорий қилинаётган ернинг бонитет баъдидан келиб чиқиб белгиланган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, янги ўзлаштирилган ерларда самара бермагани сабабли амалдаги тартибдан воз кечилди.

2021 йилдан бошлаб субсидия миқдорини сув тежовчи тизимнинг сифатидан келиб чиқиб ажратилишига ўтилди. Томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган ҳар бир гектар майдон учун пахтага 8 миллион сўм, сабзавот экинлари ва картошкага 1,5 миллион, полиз экинлари 1,3 миллион, мевали дарахтларга 6 миллион, узума 8 миллион

сўмдан субсидия берилди. Агар фермер томонидан сифатли тизим жорий қилинса, гектарига 11 миллион сўмга субсидия олиши мумкин эди.

Президентимизнинг 2022 йил 1 мартда эълон қилинган "Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бу борадаги тартиблар янада такомиллаштирилди.

— Ушбу ҳужжатда ҳам субсидия миқдори сув тежовчи тизимнинг сифатидан келиб чиқиб ажратилгани ҳолда, ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 50 фоизи тизим жорий қилинган йили берилади, — дейди Сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари Рустам Қаршиев. — Қолган қисми эса, кейинги йили ҳосилдорлик ошиши ва ускуналарнинг ишлатилишига қараб ажратилади. Бундан ташқари, қўшимча 20 фоизи учинчи йили юқори ҳосилдорликка эришган пахта, галла ва мева-сабзавот кластерларига тўла берилади.

Эндиликда субсидия ажратишда сувни тежайдиган суғориш тизимлари камида беш йил ишлатилиши шарт қилиб қўйилди. Айни кезде ушбу технологиялар жорий қилинган ер майдонлари камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди,

ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчининг розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади.

Сувни тежайдиган тизимларни харид қилиш ва қуришга ажратилган банк кредитлари бўйича фойза харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар бериш тартиби сақлаб қолинади.

2022 йилда 478 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, шу жумладан, 230 минг гектар томчилатиб, 28 минг гектар ёмғирлатиб, 2 минг гектар дискрет усулда суғориш ҳамда 218 минг гектар майдонни лазерли текислаш белгиланган. Улар, биринчи навбатда, "бир канал — бир тизим" тамойили асосида йирик сув узатиш тармоқларининг бош қисмида жорий этилади. Экин майдонларининг мавжуд инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда, доимий равишда узлуксиз электр энергияси ва сув билан таъминлаш имконияти эътиборга олинади. Умуман олганда, белгиланган тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан 1 триллион 182,4 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

2021 йилнинг ўзида сувни тежайдиган технологиялар 433 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди. Ана шундай тадбирлар ҳисобига 7,5 миллиард кубометр сув тежалишига эришилди.

Ускуна ва қурилмалар келтирилди, уларни ўрнатиш учун зарур маблағ ажратилди, субсидиялар ҳам берилади. Хўш, сувни тежайдиган технологияларни қайси корхона сифатли ва ўз вақтида амалга ошира олади? Унинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги йўқми? Малакали мутахассислар, жумладан, лойиҳачи, муҳандис ва агроном билан таъминланганлик даражаси қандай?

Эндиликда фаолияти шу каби мезонларга тўлиқ жавоб берадиган қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилаётган ягона электрон реестри — "Tomchi-reestr" га киритилади.

— Қарорга биноан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга Давлат бюджетидан ажратилган субсидия маблағлари "Агросубсидия" ахборот тизими орқали "Tomchi-reestr" ягона электрон реестридан ўтган корхоналар томонидан амалга оширилган лойиҳаларга берилади, — дейди Сув ҳўжалиги вазирининг ахборот хизмати раҳбари Шухрат Сувонов. — Янги платформа мутасадди давлат идоралари билан бир қаторда, барча ҳўжалик юртыуви субъектларининг ахборот тизими ва "UzASBO" дастурий мажмуаси билан интеграция қилинади. "Tomchi-reestr" га киритилмаган пудрат корхоналари томонидан амалга оширилган лойиҳаларга субсидия ажратилмайди.

## ИЖРО ВА САМАРА

Томчилатиб суғориш тизими ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжига тенг миқдордаги сувни зарур муддатда унинг илдиз қатламига етказиб беришга мўлжалланган босимий суғориш тармоғи ҳисобланади. Олимларнинг маълумотларига кўра, бир центнер пахта ҳосили олиш учун мазкур тех-

нология қўлланилганида, эграт орқали суғоришга нисбатан 1,8-1,9 марта кам сув берилади. Чунки бу тизим орқали экиннинг илдиз тизими нормал шаклланади ва далани бир текисда намлашга эришилади. Дала қатор ораларига ишлов беришга сарфланадиган сарф-харажат камаяди.

Қувонарли томони, мамлакатда сувни тежайдиган суғориш технологиялари ускуналари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича 2019 йилгача атиги 3 та корхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунда улар сони 43 тага етди. Бу маҳсулот таннархини хориддан олиб келиш учун бир гектар ерга ўрнатилган қурилмалар харажати 5 миллион сўмга арзонлаштириш имконини беради.

Ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар ижроси туфайли вегетация даврида республика бўйича 3 миллиард куб метрга сув (қишлоқ ҳўжалигида сарфланадиган сув ресурсларининг 6 фоизи) тежалади ва қўшимча 400 минг гектар тақрорий экинлари суғоришга йўналтирилади.

— Минерал ўғитлар ва ёқилги-мойлаш маҳсулотлари учун харажатлар ўртача 25 фоизга, меҳнат ва механизация харажатлари ўртача 30 фоизга қисқаради, — дейди сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари Рустам Қаршиев. — Ўртача ҳосилдорлик 10-15 центнерга ошиб, қўшимча 400 минг тоннагача пахта ва 142 минг тоннагача галла етиштирилиши кутиляпти. 2022 йил якунига бориб эса, республикамиз экин майдонларида сув тежовчи технологияларнинг жорий этилиши 27 фоизга етказилади.

— Мен сувни тежаш технологияларига оид ушбу қарорни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этдим, — дейди сув ҳўжалиги вазирининг давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси Жон Райт. — Бу ҳужжат ҳам Ўзбекистонда сувни тежаш технологияларини жорий этиш йилдан-йилга кенгайтишда ҳамда кластер ва фермер ҳўжаликларидан сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Яна бир жиҳати, иқлим ўзгариши таъсирида сув ресурслари камаётган бир пайтда илгор технологиялар ундан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорлигини ошириш имконини беради.

Кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари таҳлили томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган пахтадан гектарига 50-55 центнер, маккажўҳоридан 120-130 тонна пая, 25-32 тонна дон, помидордан 130-140 тонна (очиқ ерда), иссиқхонада 500 тонна, узумдан 5 тонна, олмадан 60 тонна, картошкдан 45 тоннагача ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатди.

Сувнинг ҳар қатрасини тежашда замонавий технологиялардан унмил фойдаланиш юртимизини янада тўқин-сочин, ҳаётимиз фаровон бўлишига катта ҳисса қўшиб бораверади.

## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ



Шаҳзод ҒАФФОРОВ,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Оҳангарон тумани Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига Эйваллик кўрғонида яшовчи Насиба Холмуродовдан мурожаат келиб тушди. У 18 ёшли қизи Чарос Холмуродовага тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома ололмаётгани, икки йил давомида қўллаб идоралар эшигини таққиллатгани, аммо иш ҳал бўлмаганини ёзганди. Фуқаро мурожаати ФХДБ бўлими ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, Чарос Холмуродова 2003 йил 27 октябрда Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган. Уша вақтда икки болага бир хил рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилган, улардан бири Чарос экан. Шу сабабли у 16 ёшга тўлганда паспорт ололмаган. Мактабни ҳам ўша эски ҳужжат билан тамомлаган. Насиба Холмуродова қизи турмушга чиқаётгани сабабли унга янги гувоҳнома олиш учун туман ФХДБ бўлимига мурожаат қилган. Унинг бу масаласи мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилиб, Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармасининг ҳуқуқий ва амалий кўмаги билан тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилди.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Муҳими, мамлакатимизда Давлат хизматлари марказлари фаолияти йўлга қўйилиши билан қанчадан-қанча фуқароларнинг мушқули осон бўлмоқда, ортиқча оворагарчиликнинг олди олинапти.

## ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ ВА ШАФФОФ

Тошкент вилоятидаги Давлат хизматлари марказлари фаолиятининг асосий мезонига айланган

## Давлат хизматлари сони ошмоқда

Президентимизнинг 2021 йил 24 июлдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилиниб, тизимда қатор устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароси, мамлакатимизда доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролigni бўлмаган шахсининг идентификация ID-картасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиб биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш давлат хизматлари марказлари орқали ҳам амалга оширилиши йўлга қўйилди.

— Тошкент вилоятидаги Давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йил бошида фуқароларга 33 та давлат хизмати кўрсатилган бўлса, бугунги кунга келиб, бундай хизматлар сони 170 дан ошди, — дейди ДХА Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Илҳомжон Абдулатторов. — Вилоятда тажриба тариқасида Нурафшон, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари Давлат хизматлари марказлари орқали Ўзбекистон фуқароларига хорижга чиқиб биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш бошланди. Мазкур марказлар ҳамда Зангиота тумани давлат хизматлари маркази орқали шахсини тасдиқловчи ID-карта бериш ҳам жорий қилинди. Келгусида кўрсатиладиган давлат хизматлари сони ва сифатини янада оширишни режалаштирганмиз. Маълумки, бугунги кунда маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди. Бу давлатдаги ҳар бир ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда иш олиб бораёلمиз. Бониси, улар ҳудудларда муаммоларни жуда яхши билади. Урганишлар давомида улар қимнингидир кадастр масаласида, қимнингидир ФХДБ бўлими, яна қимнингидир коммунал тармоқлар билан боғлиқ давлат хизматларига бўлган эҳтиёжини аниқлаб, бизга маълум қилади. Биз эса, ўз навбатида, уша ҳудудларга бориб, фуқароларга сайёр давлат хизматларини кўрсатяёмиз.

Бундан бир неча йил олдин марказлашган ҳолда давлат хизматлари кўрсатилиши, битта идораларга бориб, биратўла барча масалаларни ҳал қилиш мумкинлигини ҳеч ким тасаввур қила олмади. Бугун эса буларнинг барчаси ҳаётда ўз ифодасини топди, халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилмоқда.

## Халқ билан давлат ўртасида мустаҳкам кўприк

Бундан тўрт-беш йил аввал давлат идоралари билан биттадиган ишлар учун қанча сарсон-саргардон бўлигани кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Энди буларнинг ҳаммаси ўтмишга айланди. Чунки Президентимиз ташаббуси билан мазкур соҳадаги давлат сисъатини амалга оширишга масъул алоҳида давлат органи — Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмалари ташкил этилди.

Бу ерда пенсия тизимига ҳисобга қўйишдан тортиб, тадбиркорлик бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ кўпгина давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Бундан ҳам қулай бўлиши учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали — my.gov.uz ишга туширилди. Ана шу порталда рўйхатдан ўтиш орқали давлат хизматларидан онлайн фойдаланиш мумкин. Бу ҳам халқимизга енгиллик яратиш бўйича қилинган муҳим ислохот. Бошқача айтганда, халқ билан давлат ўртасида мустаҳкам кўприк.

— Марказ биносининг замонавийлиги менга жуда ёқди, — дейди Урта Чирчиқ тумани Давлат хизматлари марказига келган "Қорасув" МФИДА истикомат қилувчи Даврон Отақуллов. — Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланамиз. Мебель цехимиз бор. Бизнесимизни кенгайтириш мақсадида янги бино қурилишига рухсат олиш учун келдим. Навбатларнинг электрон шаклда эканлиги, дам олиш учун шинам жойларнинг ташкил этилгани таширф буюрган ҳар қандай одамнинг кайфиятини кўтаради. Ходимларнинг фуқаролар билан муомаласи ҳам таҳсинга лойиқ. Бу ерда ташкил этилган кутубхонадан эса турли китобларни олиб ўқишингиз мумкин.

Тошкент вилояти Давлат хизматлари марказлари томонидан 2017 йилда

16 минг 785 та, 2018 йилда 416 минг 194 та, 2019 йилда 1 миллионга яқин, пандемия авжига чиққан 2020 йилда 734 мингдан ортиқ, ўтган йили эса 1 миллиондан ортиқ давлат хизмати кўрсатилди. Шунингдек, 162 мингдан зиёд фуқаро хизматлардан Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz орқали фойдаланди.

Аҳоли кўпроқ болаларни мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш, кадастр паспортини олиш, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш, иссиқ ва совуқ сув, газ ҳисоблағичларини қўйслашдан ўтказиш, пенсия ҳақида маълумотнома олиш билан боғлиқ масалаларда давлат хизматларига мурожаат қилади.



## "Марказга келишга имконингиз йўқми? Унда ўзимиз борамиз"

Олис қишлоқ ва маҳаллаларда яшайдиган аҳолининг қўпчина туман марказига бориб, давлат хизматларидан фойдаланишга вақти ҳам, имкони ҳам бўлмайди. Уларнинг давлат хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида "Марказга келишга имконингиз йўқми? Унда ўзимиз борамиз" шiori остида ўтган йили 15 минг 410 та сайёр давлат хизмати кўрсатилди.

Олис Хумсон қишлоғида истикомат қилаётган фуқаролар ҳам сайёр давлат хизматларидан мамнун. Бу қишлоқ Уғом

тизма тоғлари ёнбағирларида жойлашган бўлиб, табиати, ўзига хос тақорланмас ландшафтлари, иқлими билан ажралиб туради. Уч минг нафардан зиёд аҳоли истикомат қиладиган мазкур қишлоқда ҳам аҳоли давлат хизматларига доимо эҳтиёж сезади. Туман марказига биров ҳужжат билан боғлиқ юмуш учун бориб келиш, айниқса, қиш-қировли кунларда анча қийин.

— Марказ ходимлари маҳалламизга келиб ташвишимизни енгиллаштирди, — дейди хумсонлик Ғилмон Абдураимов. — Яшаб турган уй-жойимизни кадастрдан ўтказиш ҳаракатида эдим. Улар ўзлари келиб, бу муаммони ҳал этишди.

Дарҳақиқат, бундай қулайликлардан самарали фойдаланиш фуқароларнинг ҳам вақти, ҳам маблағи тежалишига хизмат қилляпти. Қолаверса, давлат хизматлари марказларидаги навбат кутишларнинг олди олинмоқда.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Иқтисодийнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда янги олий таълим муассасалари, республикамиз ва хорижий давлатлардаги етакчи олий таълим муассасалари филиаллари ташкил этилиб, талаба юқори бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

ЖАҲОН ТАЪЛИМ МАКОНИГА ОЧИЛГАН ЙЎЛ



Орифжон ЗАРИПОВ, Тошкент давлат техника университети проректори, техника фанлари доктори, профессор

Хозирги кунда олий таълим муассасамизда 8 та факультет ва 63 та кафедра бор. Уларда 64 та бакалаврият йўналишида кундузги, сиртки ва кечки таълим шаклида, шунингдек, 71 та магистратура мутахассислиги бўйича 20848 нафар талаба тахсил олмақда. Талабаларга 1100 дан ортиқ профессор-ўқитувчи асосий шатда ва ўриндошлик асосида юртимизнинг етакчи ташилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг малакали ходимлари сабоқ беради.

Университетимиз ана шундай салоҳиятга эга. Лекин иқтисодий шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда ҳар қандай олий ўқув муассасаси замон билан ҳамқадам бўлмаса, меҳнат бозоридagi тарихий ўзгаришларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш олдига, тараққийётдан чеккага чиқиб қолиши мумкин. Айниқса, санаят ишлаб чиқаришининг "драйвер" корхоналарига борадиган ёшларда ишловчи технологияларнинг "юрак уриши"ни ҳис этиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш кун тартибидagi бош масалага айланмоқда.

Президентимиз ўтган йил декабрь ойи охирида Қашқадарё вилоятидаги "Uzbekistan GTL" заводининг очилиш маросимидаги нутқида янги Ўзбекистон ёшлари миллий санаятимиз раванкига муносиб ҳисса қўшиб, бу йўлда "олтин фонд"имизга айланганини таъкидлар экан, нефть ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берган эди. Улар ижроси соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этишга, унинг фаолиятини замонавий стандартлар даражасида ташкиллаштиришга замин яратди. Шу боис, айни пайтда Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё-технология институти, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти маъзур мажмуа билан ўзаро интеграцияни янада такомиллаштириш бўйича ишларни бошлаб юборди.

Мамлакатимизда жорий этилган "Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси" ҳамда "ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари" асосида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим стандартлари қайта ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Айни кезде академик эркинликни жорий этиш ва ортиқча меъёрлаштиришни қисқартириш мақсадида олий таълимнинг 26 та таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандартлари беркор қилинди. Айни пайтда фақат "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" ва "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори" деб номланган стандартлари қолдирилди. Қўрилаётган бундай чоралар олий таълимнинг меъёрий-услубий тизимини халқаро стандартларга мувофиқ шакллантиришга ва пировардида, унинг жаҳон таълим маконига тўлиқ интеграция қилинишига йўл очди.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида юртимиздаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги рўйхатига киритиш ва тизимда ўқув жараёнининг 85 фоизини кредит-модуль тизимига ўтказиш вазифаси қўйилган.

Нега айнан кредит-модуль тизимини жорий этишга катта аҳамият қаратиляпти? Чунки таълимнинг ушбу шакли нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб боришни, балки талабадан мустақил ўқиш, таълимга янги муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларни ўзлаштиришга ўргатишни тақозо этади.

Ана шу жараёнларни шакллантириш борасида Тошкент давлат техника университетида ҳам бир қатор ижтимоий ишлар амалга оширилмоқда.

Университетда кадрлар буюртмачилари бўлган ишлаб чиқариш корхоналари ва иқтисодий тармоқларининг талаблари инобатга олинган ҳолда, охириги 3 йилда 18 та янги бакалаврият таълим йўналиши ва 12 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бу борадаги барча меъёрий ҳужжатлар (ўқув режаси, малака талаблари ва фан дастурлари) кредит-модуль тизимида тайёрланди ва ўқув жараёнига татбиқ этиляпти. Ишлаб чиқариш корхона ва ташилотларида мутахассислик кафедраларининг 52 та филиали ҳам ташкил этилиб, уларда дарс жараёнлари янги тизимда олиб бориляпти. Ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш босқич-ма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган.

Университет Хитой, Беларусь, Россиянинг 5 та ОТМси билан жами 11 та таълим йўналиши ва 4 та магистратура мутахассислиги бўйича қўшма лойиҳаларни йўлга қўйган. Уларда 200 нафардан ортиқ талаба тахсил олмақда.

Такомиллаштирилган фан дастурларига таянган ҳолда, охириги 3 йилда 500 номдаги янги ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий кўрсатмалар) яратилди. Университет моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига 27 номдаги лаборатория жиҳозлари харид қилинди. Дарс жараёнлари самардорлигини ошириш мақсадида 15 дан ортиқ ўқув аудиторияси замонавий ахборот-коммуникация технологияси асосида жиҳозланди. Талабаларнинг замонавий лабораторияларда машғул олиб боришида университет ҳудудида ташкил этилган технопарк ҳам катта таънақ бўляпти.

Жаҳон банкнинг Халқаро тараққийёт уюшмаси ва Олий таълим вазирлиги билан йўлга қўйилган ҳамкорликка асосан, 2018 йилдан буён "Ички сифатни таъминлаш (Internal Quality Assurance)" йўналиши бўйича Shbeeman consulting агентлиги юртимиздаги 6 та олий ўқув муассасасини таънақ олган. Улар хорижий етакчи экспертлар кўмагида мутахассислар малакасини ошириш ва ички таълим сифатини таъминлаш бўйича маҳорат дарслари, семинарлар ташкил этипти. Тошкент давлат техника университети ҳам улар сафида бўлиб, бу ерда Бельгиянинг Гент университети профессори Люсиен Боларт сифатни таъминлаш масаласига бағишланган онлайн тренинглар ўтказиб келмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида таънақ олинган олий таълим муассасалари 2022 йилда ички аттестациядан ҳамда келгусида халқаро аккредитациядан ўтиши режалаштирилган.

Университетимизда ректор маслаҳатчиси ва проректор лавозимига Япониянинг Нагоя университети профессори К.Нишияма иш олиб борапти. Хорижий мутахассис мавжуд таълим йўналишларидан 5 тасини таънақ олган. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб чет эллик мутахассисларни жалб этган ҳолда, талабаларнинг тил билиш даражаси ва математика фанидан билим, кўникмаларини синовдан ўтказиб, уларнинг 100 га яқинига Нагоя университети ўқув дастури бўйича таълим бермоқда. Бу университетимизда ёш ва билимли мутахассислар Япония тажрибаси асосида сабоқ олиши учун қўшма факультет ташкил этиш имконини беради.

2017-2021 ўқув йиллари давомида Тошкент давлат техника университетидан 247 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда 265 нафар талаба ривожланган ва жаҳоннинг ТОП-1000 талиғига кирган олий таълим муассасаларида малака ошириш, стажировка ва академик амалиёнув дастурларида иштирок этиди. Шу даврда чет эллик 341 профессор-ўқитувчи ва мутахассис онлайн ҳамда офлайн тарзда университет профессор-ўқитувчилари ва талаба-магистрларига маҳорат даражаси ўрта ва маърузалар ўқиди. Сўнгги 2 йилда 104 та илмий-тадқиқот иши, жумладан, 2020 йилда 48 та (42 PhD, 6 DSc) ва 2021 йилда 56 та (48 PhD, 8 DSc) илмий даража диссертацияси ҳимоя қилинди.

Яқинда ривожланаётган Европа ва Марказий Осиё давлатлари олий таълим муассасаларининг (QS World University Rankings: Emerging Europe and Central Asia) 2022 йилги рейтингини эълон қилинди. Ўзбекистонда QS минтақавий рейтингига қайд этилган университетлар кетма-кет иккинчи йил ўз ўрнини янада мустаҳкамлади ва юқориқор поғоналарга кўтарилди. Университетимиз ҳам QS рейтингига академик сўровнома, иш берувчиларнинг баҳоси ва илмий салоҳияти, нуфузли хорижий нашрлардаги мақолалари, уларга бўлган иқтибослар каби мезонларда ижобий натижаларни қайд этиб, 351-400 ўринлар оралиғидан жой олди.

Агар 2021 йилда QS рейтинг агентлиги томонидан олий ўқув муассасаларимиз фақатгина 2 та мезон бўйича баҳоланган бўлса, 2022 йилда барча мезонлар (10 та) асосида эътироф этилди. Бу университетнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Хозирги кунда мамлакатимизда техника йўналишида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларининг асосий мақсади ишлаб чиқариш корхоналари ва ташилотлари учун юқори салоҳиятга эга рақобатбардор кадрлар тайёрлашдан иборат. Тошкент давлат техника университети ҳам бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб олган, таълим тизимидаги ислохотлар ва трансформация жараёнида самарали натижаларга эришиш мақсадида дадил одимламоқда.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Фарғона вилоятида болаларнинг мактабгача таълимга қамрови 82,9 фоизга етди. Беш йил аввал бу кўрсаткич бор-йўғи 34,2 фоиз эди.

Мактабгача таълим вазирлиги ишлаб чиққан тизимни ривожлантириш борасида белгиланган бешта устувор меъёр бўйича Фарғона вилояти энг юқори ўринни эгаллади. Бу бежиз эмас. Эндиликда нафақат шахар ва туманлар маркази, балки чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам замонавий шарт-шароитга эга бошланғич таълим муассасаларини қуриш имконияти яратилди.



Шерзод Қораёв ошган суратлар.

ОЛИС ҚИШЛОҚ БОЛАЛАРИ ҚУВОНЧИ

Истиқболли режалар амалга ошганда

Рақобат бор жойда ривожланиш бўлади

Бу кунларни орзиқиб кутганмиз

Вилоятда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 303 минг 619 нафар мактабгача ёшдаги болаларнинг 251 минг 585 нафари мактабгача таълим ташилотларига жалб этилган. Бунинг учун 2021 йилда 30 та давлат, 16 та давлат-хусусий шериклик ҳамда 954 та оилавий мактабгача таълим ташилотлари ташкил этилди, 2 миңдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда эса яна 33 та давлат мактабгача таълим ташилотини қуриш ва капитал таъмирлаш, Фарғона, Қувасой шаҳарлари, Сўх ва Ўзбекистон туманларидаги 4 та педагогика коллежининг бўш турган биноларида ҳам мактабгача таълим ташилотларини ташкил этиш, ҳудудларда 250 та оилавий ва 4 та давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим йўналишларини йўлга қўйиш ҳисобига 6840 нафар кичкинтой таълимнинг илк босқичига қамраб олинади.

Мактабгача таълим соҳаси узлуқсиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланади, у соғлом ва баркамол шахсни тарбиялаш, мактабга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Фарғона вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Юлдузхон Хўжаева. — Масалан, вилоятда давлат ва нодавлат МТТлари сони 2017 йилда бор-йўғи 642 та, қамров эса 34,2 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб, улар сони 3 миңдан ошди. Вилоят ҳокими фармойиши асосида дастлаб енгил типдаги қўшимча гуруҳ хоналари қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Биринчи босқичда 2760 ўринли 30 та, иккинчи босқичда 2700 ўринли 30 та шундай хона барпо этилди. Учинчи босқичда яна 30 та 2700 ўринли янги қувватлар ишга туширилди. Айни кунда барча мактабгача таълим ташилотларида "Фарзандим билан бир кун" лойиҳасини жорий этиш устида иш олиб бораётибиз. Лойиҳада ота-оналар бевосита иштирок этади. Улар кун давомида фарзанд таълим-тарбияси, жамоадаги ўрни, қизиқиш ва иқтидорини аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлашда тарбиячилар билан ҳамкорлик қилади. Иқтидорсиз бола бўлмайди. Фақат бу иқтидорни ўз вақтида аниқлашда, ривожлантиришда тарбиячи ва оиладаги муҳитнинг ўрни катта. Ҳамкорлик доирасида ота-оналарнинг таълим-тарбия йўналишидаги кўникмалари шаклланади, тарбиячининг ишга масъулияти ошади. Сабаби, тарбиячи боланинг қўбилият ва имкониятларини аниқлаш учун ҳар бир бола билан алоҳида ишлайди, қизиқишларини таҳлил қилиб, ота-оналарга зарур тавсиялар беради ва ота-она ҳам ўз фарзандига қандай таълим-тарбия бериш усулларини ўрганади.



Кейинги икки йилда вилоятда 65 та хусусий, 99 та давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташилотини ташкил этилгани ўз самарасини бермоқда. Айниқса, янги қўрилаётган уй-жойлар, янги массивларда кичкинтойлар учун алоҳида таълим муассасалари барпо этишга эътибор қаратилганга аниқ хонадонларга кўчиб келганлар узогини яқин, оғирини енгил қилапти.

Фарғона туманидаги "Илғор" массивида намунавий лойиҳалар асосида янги уйлар қурилиб, юзлаб оилалар кўчиб ўтди. Албатта, бу ерда боғча ташкил этиш кун тартибидан ўрин олган эди. "Шоҳида Музаффар юксалиш" масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташилотини барпо этилди.

Бугунги кунда мактабгача таълим ташилотларига болаларни жалб қилишда ўзига хос рақобат бор, — дейди тадбиркор Муножатхон Расулова. — Ота-оналар фарзандларини барча шароитга эга, ҳар жиҳатдан қулай бўлган боғчага

қўштепа туманидаги Деҳқонobod қишлоғи туман марказидан 15 чақирим оғлида. Асосан деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган қишлоқда шу кунга қадар мактабгача таълим ташилотини йўқ эди. Имкон топганлар узоқ йўл босиб туман маркази ёки қўшни қишлоқлардаги бошланғич таълим ташилотларига фарзандларини олиб боришга мажбур эди.

Эндиликда бу борадаги овозгарчиликлар барҳам топди. Қишлоқ марказида замонавий меъморчилик андозаларига асосланган 180 ўринли мактабгача таълим ташилотини қуриб битказилди, 30 та янги иш ўрни яратилди.

Бу кунларни орзиқиб кутганмиз, — дейди Лайлохон Соҳибназарова. — Келин бўлиб тушганимга 40 йил бўлди. Болаларимизни боғчага олиб боришда жуда кўп қийинчиликларга дуч келганмиз. Узоқ йўл, уйдан оғлида бўлгани боис, хавотиримиз кўп эди. Икки нафарим боғча ёшида. Уларни боғчага жалб қилишди. Бу ердаги шароитга ҳавасим келди, шаҳардагидан қолишмайди. Кенг, ёруғ хоналар, ўйинчоқ ва ўқув қўлланмалари, замонавий шароит болажонларимизнинг эмин-эркин таълим-тарбия олиши йўлида яратиб берилган катта имконият.

Олис қишлоқда бунёд этилган мактабгача таълим ташилотини мутахассислиги бўла туриб, уйда ишчи қолган ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлади.

Қўштепа педагогика касб-хунар коллежининг бошланғич таълим йўналишида тахсил олганман, — дейди Мухайё Ҳакимова. — Қишлоғимизда касбим бўйича иш йўқ эди. Оилавий шароитим бошқа ҳудудга қатнаб ишлашга имкон бермаётганди. Янги боғча қурилган, мен каби соҳа мутахассисларини ишга жалб этишди. Ҳозир кичик ёшдаги гуруҳлар билан ишляяман.

Сифат малакали кадрларга боғлиқ

Яқин ва чекка ҳудудларда мактабгача таълим ташилотларининг қўпайиб бориши малакали кадрларга эҳтиёжни оширмоқда. Жойларда кадрлар тайёрлаш, нуфузини ошириш, қайта ўқитиш, ёрдамчи тарбиячилар тайёрлашга бўлган эътибор ошган. Таҳлилларга қўра, мактабгача таълим тизимини фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Холида Султонова. — Жорий йилда 2215 нафар педагогнинг малакасини ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, мактабгача таълим ташилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида 33 нафар, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида 78 нафар МТТ тарбиячиси, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Фарғона филиалида 16 нафар МТТ жисмоний тарбия йўриқчиси ўз малакасини оширди.

Фарғона вилояти мактабгача таълим бошқармаси тасарруфидаги 14 та педагогика коллежида 8535 нафар ўқувчи кундузги, сиртки, дуал ва кечки таълимда тахсил олмақда.

Сирасини айтганда, мактабгача таълим узлуқсиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб қамолга етиши, ўқишга иштиёқини оширишга хизмат қилади.





# Бу олам бахти ҳам аёл бахтидан!

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

Жонажон диёримизга биз соғинган, бизни соғинган баҳор келди. Аслида биз баҳор билан рўбарў келишдан олдин уни кўнгил кўзи билан кўрагимиз. У тасаввур оламинимизда юз очади. Майин еллар, мулойим майсалар, керишиб уйғонаётган жажжи куртаклар жозибаси жонимиз торларини чертади. Беихтиёр қалбимизнинг туб-тубида “Ассалом, баҳор!” деган ҳайқирик жаранглайди. Йўқ-йўқ, у жарангламайди, ҳар бир дилда акс-садо беради!

## Меҳр — кўнгил майсаси

Энг аввало, икки қафтимизни дуога очиб, қувончимизни кўксимизга жойлаб, меҳрибон Яратганга шукрона айтгимиз. Чунки бу кунларга етганлар қанча, етмаганлар қанча... Аслида уйғонаётган табиат — уйғонаётган кўнгил. Бойиче-қачна қаранг! У баҳор қиларга селган қувончинг айнан ўзи-ку! Қувончи, болалар қўлиси каби беғубор, гўзал! Ҳатто қушлар чўғурдида ҳам ҳаётга, яшашга, одамийликка оқши бор. Худойимга беадад ҳамдлар бор! Баҳорни севмак ҳаётни севмакдир! Гўзал нарсаларнинг кўпчилиги ҳеч қачон кўзга зиён қилмаган. Кўзга сиймаган гўзаллик эса кўнгилга сивавереди.



Баҳор ўз сифати ила уйғонувчи, уйғотувчи фасл. Ерни ёриб чиққан ҳар бир майса ўзича қудрат тимсоли. Ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Буларнинг бари Қодир Эганининг қудрати инъикоси. Ловулаган лопалар, қизгалдоқлар, чучумоллар, қиқирлашиб турган қизалоқлар каби ёқимтой. Бир сўз ила айтганда, кўклам тасвирига тил ожиз, дил лол!

Ҳар бир юрт баҳорининг ўз таровати, нафосати бўлади. Ўзбекистон баҳори ҳам бетакрор, бетимсол, беназир. Зеро, баҳор фасли қадриятларимиз қадри учун эшик очади. “Кўкка етиб олдиқ, худо хоҳласа, ўлмаймиз!” деган бобою, момоларимиз энгил нафас олиб. Улар бу нидони Яратганга беҳисоб шукрона тарзида айтган. Яйраб айтган, яшнаб айтган. Яна қиш рутубатидан толиққан кўнгиллар садосидир бу. Чунки баҳор неъматлари билан дилларни сел қилади. Инсондаги саховат ҳиссини оширади. Асрий қадриятларимиз — баҳор таомлари ила кўн-қўш-ни, яқинларни йўқлаш эзгу ниятлар ижобатига ташланган нури оқимдир. Меҳр кўрган одам дуога кўл очади. Шу боис, кексаларимиз, “Емғир билан ер кўқарар, дуо билан эл кўқарар”, дейди. Шу маънода айтсақ, баҳор — хайрли ишларга чорловчи бон! Бу чорлов сасини сиз ўз қалбингиздан, руҳиятингиздан изланг — албатта, баҳор овозини ҳам эшитасиз: “Эй одамзод! Мудрама, уйғон! Олам уйғонмоқда, куртаклар кўз очмоқда. Курт-қумурска ҳам ҳаракатга тушди. Майсаларнинг мулойим табассуми яшашга, яратишга, яшатишга ундаяпти. Сенга умид кўзини тикиб турганлар бор. Фақат бир коса таоминг, хайру эҳсонинг эмас, балки меҳринг, ширин сўзларинг муҳтожлар кўп. Инсоннинг қаддини меҳр кўтареди, оқибат ором ато этади. Билсанг, меҳр — кўнгил майсаси. Кўнгилда майсалар ундирган одамни эса баҳорга менгаш мумкин!”

Баҳорга етганнинг гуллардан тахти,  
Бизларга етгани — баҳорнинг бахти!  
Аё дўст, юзларинг нур атрига чай,  
Кафтинда турибди умринг нақди!

## Аёл эъзоз учун яралган!

Ҳаёт гўзал бўлгани учун ҳам яшаш завқли, дейдилар. Баҳорни мадҳ этялгимиз, лекин ҳар бир фаслнинг ўз таровати борлигини едда тутамиз. Бир тарафдан, қанча таъриф тавсиф бермайлик, кўклам мадҳи тугамайди. Аммо бу гўзалликлар инсонга буюрмоғи, кўнгилга сиймоғи учун унинг тани-жони соғ, оиласи хотиржам, элу юрти тинч бўлмоғи жоиз.

Шуқри, 130 дан зиёд элу элат, миллат фарзандларини Ватан тутган 35 миллиондан ортиқ аҳолиси бор гўзал Ўзбекистонимиз баргидаги юртдошлар бу тинчлик тотида бахрамадан. Тилу дилида шукрона, бу кунлар бардавом бўлиши, кўз тегмаслигини сўраб қилинган хушниятлар, илтижолар, истифдорлар беҳисоб!

Элга тинчликни, яқинларига сўхатликни кўпроқ мунис аёлларимиз тилашса керак! Шунинг учун ҳам табиатда неки гўзал бўлса, унинг қиёси аёлдан изланади. Нафосат ҳамиша аёлга муюқса қилинади. Шу ўринда баҳорнинг илк кўни — 1 март-да Президентимиз раислигида хотин-қизларни

кўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишлаб видеоселектор йиғилиши ўтказилганда ҳам ўзига хос ҳаёт ҳикмати бор.

Назаримда, бу йиғилиш янги Ўзбекистон тарихига абадул-абад муҳрлаб қоладиган кўтлуг анжуман бўлди. Бир ижодкор сифатида фақат мени эмас, балки умда иштирок этганларни, барча ҳамюртларимиз қалбини тўлқинлаттирди, унда Президентимиз забонидан янраган самимий ва халқчил сўзлар, оғриқлар, изтироблар бизни бу масъум ҳилқат вақиллари ҳақида чуқурроқ ўйлашга мажбур қилди. Чунки қариб тўрт соат давом этган йиғилишда ҳақиқат юз очди, адолат қарор топди. Асосийси, юртимиз хотин-қизларининг қалби тубидаги асрий орзулари ушалди, ушаладиган бўлди!

Аслида аёлга эҳтиром кўрсатиш миллатимиз етакчиларига хос бобоморос фасилат. Биз буюқ аждодлардан қанча фахр-ифтихор қилсақ, уларни дунёга келтирган, оқ сўт берган, улуглаб камолга етказган дарёдил момоларимиз бўлганидан ҳам шунча ғурур, шунча сурур туямиз. Ахир оқила аёл умр йўлдошининг кўнглидаги нури, ака-укасининг йўлидаги чироғи, фарзандининг куч-қудрати, ғайрат-шижоати, эзгу ниятларининг эшикбони. Шунинг учун кўчадан уйига кириб келган эркак фарзандларидан, аввало, “Онанг қани?” деб сўрайди.

Кўтлуг анъаналар бардавом бўлиб, мустақил ва янги Ўзбекистонимизда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, хотин-қизларга эътибор кўрсатилмоқда. Айниқса, бу эътибор Президентимиз фаолиятини бошлаган 2017 йилдан юксак эҳтиромга айланди.

Келинг, рақамлар билан тиллашиб, сўзларимизни асослайлик.

2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд аёлга 2 триллион

сўм кредит ва субсидия ажратилиб, 320 минг хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. 190 минг аёл касб-хунарга ўқитилди. 4 мингдан зиёд хотин-қизга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига маблағ ажратилди. 2 минг қиз алоҳида грант асосида олий таълим муассасаларига қабул қилинди.

Дунёнинг бирор давлатида учрамайдиган “Аёллар дафтари” жорий этилиб, унга киритилган 900 мингга яқин хотин-қизга барча зарур кўмак кўрсатилди. Такрор бўлса-да, айтиш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч дафтар — “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар” ва “Ешлар дафтари” юртимизда мавжуд иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий аҳволга тутилган заррабин бўлди. Ҳақиқат ўзимизгагина эмас, бутун оламга ошкор айтилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ўтган йиллар мобайнида бу борада қанча хайрли ишлар амалга оширилмасин, булар давр талабларига жавоб бермайди. Шу боис, ҳозир “Аёллар даф-

тари” да 630 мингдан зиёд хотин-қиз бор. Улардан 200 минг нафари ишсиз. Аёллар ўртасида жиноятчилик, оилаларда зўравонлик ва тазйиқ ҳолатлари ҳамон мавжуд.

Албатта, бу муаммоларни ҳал этиш фақат соҳа ходимларининг, хотин-қизлар ичидаги кам сонли фаолларнинг, маҳалла оқсоқолларининг эмас, кенг жамоатчилик, нурунийлар, олим уфозилар, ижодкорлар, оқила аёлларимизнинг юмуши, ўй-ташвиши бўлмоғи лозим. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қуйдаги фикрлари алоҳида эътиборга молик: “Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади”.

## Севинч ёши кўзга ярашар...

Қадр топган инсоннинг кўзларига боққанми-сиз? Бу кўзларда ким кўриб, ким кўролмайдиган шаффоф кўз ёши бўлади. У қувонч ёши бўлганда минг-миглаб оналар, опа-сингиллар, ардоқли қизларимиз кўзларида қароқларига ярашган ана шундай севинч ёшларини кўрялгимиз. Қанча-қанча ишсиз юриб, ишли бўлганлар, неча-неча уйсиз, дарбадарликка сарсон-саргардон қолганлар янги уйлариинг эшиклари зулфини ушлаган чоғ тўқан ёшлари, ана минглаб ватандошларимизнинг на маблағ, на дори-дармон топиб, йиллаб дарди-



лар давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Қўмита раиси бир пайтда Бош вазир ўринбосари ва Сенат аъзоси сифатида фаолият юротади. Хотин-қизларимизни гендер тенглик тамойили асосида иш билан таъминлаш, айниқса, раҳбарлик лавозимларига тайинлаш борасида ижтимоий адолатнинг қарор топаётгани ҳам оламга айтирли ишларимиздандир.

Маъзур воқелиқлар кўламига тўхталаркан, Президентимиз: “Энди ҳар бир маҳаллада аёлларнинг дарди билан яшайдиган тизим бўлади. Қайси аёлга нима кераклиги, ўқиши, даволаниши, болалари тарбияси бўйича менинг столимда адолатли рақам бўлади”, деди.

Бироқ не бўлганида ҳам тарбиянинг тамал тоши оилада қўйилишини, тарбия оиладан бошланганидан ёддан чиқармаслигимиз зарур. Олма тагида олма тушади, деганларидек, яхши ота-онанинг фарзанди ҳам тарбияли, одобли бўлади. Кейинчалик улар ўз иқтидори, садоқати ва меҳнати билан бутун миллатнинг фарзандига айланади. Бунда, айниқса, оналаримизнинг ўрни беқиёс бўлиши даркор. Шу боис, Президентимиз “Оқила аёллар” ҳаракатини ташкил қилиш тақдирини киритди ва йиғилиш иштирокчиларига юзлана: “Бу ҳаракат “маҳалланинг виждони”га айланмиш керак. Чунки маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди”, деди.

Ҳақиқатан ҳам, миллатимиз оналарининг ўзлари ҳам маърифатли бўлсалар, фарзандларимиз миллий ғурур, ифтихор эгаси бўлиб камолга етади. Аслини олганда, ҳеч бир она ўз боласининг бахтсиз бўлишини, назардан қолишини истамайди.



“ҚИШ РУТУБАТИДАН ТОЛИҚҚАН КўНГИЛЛАР САДОСИДИР БУ. ЧУНКИ БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ НАФАҚАТ ОДАМЗОД, БАЛКИ ЖАМИКИ ЖОНЗОТЛАР УЧУН ҲАМ ҚУТИЛГАН МУКОФОТДИР!”

қизларимизни ўқитиш, касбий малакасини шакллантириш, иш билан, уй-жой билан таъминлаш, даволаш каби эзгу саъй-ҳаракатлар учун сарфланади. Очиги, қамина бу хайрли мақсадлар улугворлигини жойига қўйиб шарҳлашим қийин. Билганим, бу анжуман сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ва, нихоят, инсонийлик, инсон қадрини нуктаи назардан алоҳида баҳолашни лозим.

Бугун Ўзбекистонда 17 миллион 300 мингга яқин хотин-қиз яшайди. Президент уларнинг қалбига ҳам, йўлларига ҳам, уйларига ҳам меҳр чирогини, эҳтиром чирогини ўчмайди қилиб ёқиб қўйди.

Белгиланган улуг мақсадлар ижросини тизимли тарзда ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириш учун Президентнинг Оила ва хотин-қиз-

Афсуски, зурриётларининг нобой ишлари боис, боши ҳам бўлиб, вақтида тарбиясига эътиборли бўлмагани учун айни кез ўқинч, армон ва алам билан яшаётган онаизорлар ҳам талайгина...

Хотин-қизларимизга шунча имкониятлар яратишдан мақсад — зиммаларидаги оналик бурчи, масъулиятини ҳис қилдириш. Қолаверса, фарзанди ақлли, одобли, иймон-эътиқодли, мард инсон бўлиб улғайса, уларни олий ўқув юртыларида ўқитиш, иш билан таъминлаш, ватанпарвар қилиб тарбиялашга давлатимиз алоҳида эътибор беради. Таассуфки, агар ўғил-қизларимизнинг қўлидаги телефонлари улар маърифатнинг ҳимоячисига айланмаса, қимматбаҳо фурсатларини елга совиришдан уялмаса, фахшдан ҳазар қилмаса, ҳаромдан кўркмасе, бепарво ва лоқайд бўлса,

“ҚИШ РУТУБАТИДАН ТОЛИҚҚАН КўНГИЛЛАР САДОСИДИР БУ. ЧУНКИ БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ НАФАҚАТ ОДАМЗОД, БАЛКИ ЖАМИКИ ЖОНЗОТЛАР УЧУН ҲАМ ҚУТИЛГАН МУКОФОТДИР!”

ёлғончиликдан тилини тиймаса, миллат ҳам, давлат ҳам ўз кўзлаган маррасига етолмайди! Жамиятда юксалиш, сиёсатда барқарорлик, меҳру оқибат бобида собитлик бўлмайди. Аёнки, бу борада ҳали талай камчиликлар бор. Шунинг учун давлат раҳбари ёниб-қўйиб гапирди, барчани бирлаштирса, бирликка, яқдипликка чорлади.

Демакки, бугундан бошлаб маҳаллада бирор хонадон эътиборсиз қолмаслиги лозим. Ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутасадди, ҳар бир ватандошимиз, айниқса, кўпни кўрган ёши улугларимиз: “Мен бугун қандай хайрли иш қилдим, қайси бевабечора, қаровчиси йўқ, камбағал ёки ногироннинг оғирини энгил қилдим?”, деган олижаноб саволни ўзига бериши керак.”

Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли қилиб кириб хонадонга бамисоли нур, файзу қувонч ҳам қадам ранжида қилсин, ишонч кирсин! Айни пайтда ҳар битта хонадонга кирган раҳбар у ердан ёруғ юз билан қайтиб чиқишга одатлансин. Ушбу хонадонга ўз меҳрини, маърифатини қолдириб чиқсин. Шунда уларнинг ҳам йўлларига дуолар, хайрлар тушалади.

Бу оламда ҳеч ким бир ўзи, элу юртидан айро ҳолда бахтни бўлолмаган, бўлмайди ҳам! Демак, аёлларимизни янада эъзозлашимиз, хурматини жойига қўйишимиз керак. Миллат аёлларининг чеҳраларидаги табассум миллат эрларининг йўлларига сочилган ёғду эканини унутмайлик. Президентимиз айтганидек, жамиятимиз бахтли бўлишини истасак, энг аввал, аёлларимизни бахтли қилайлик!

Кўёш қулиб чиқса, тонгинг нурафшон,  
Оилангда онаң бор, онаңг нурафшон.  
Ҳеч вақт қаримайди аёлдаги шон,  
Муҳаббат яраган аёл аҳдидан,  
Бу олам бахти ҳам аёл бахтидан!

Сабо кўп, баҳоринг сабоси бўлак,  
Дуо кўп, онаңг дуоси бўлак,  
Аёлга атодир бор яхши тўлақ,  
Аёл бор — тушмайсан ором тахтидан,  
Бу олам бахти ҳам аёл бахтидан!

Аёл уйғоқ дилда энг гўзал тушидир,  
Ухламай туш кўрган ошқ сархушдир,  
Севмоқ савоб эрур, севилмоқ хушдир,  
Дарё қалқиб чиқар қалбар қатидан,  
Бу олам бахти ҳам аёл бахтидан!

Онаси умрини тилаган ўғил,  
Меҳрини бошидан элаган ўғил,  
Гул тутиб қўллари гуллаган ўғил,  
Илоҳим, қайтмасин шундай шахиддан,  
Бу олам бахти ҳам аёл бахтидан!

Она Ватандаги она висоли,  
Садоқат тимсоли, вафо тимсоли,  
Миллат камоли у, миллат жамоли,  
Ҳеч ким доғ ахтармас қуёш сатҳидан,  
Бу олам бахти ҳам аёл бахтидан!

